

“Навоийурган” ДКнинг  
2024 йил “11” 06 даги  
238 -сон буйргуга  
2-шлова

**“Навоийурган” давлат корхонаси харид комиссияси  
фаолиятини ташкил этиш түғрисидаги  
Низом**

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида корхона томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси корхона ҳузурида фаолият кўрсатадиган, корхонанинг тегишли буйруқлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзgartирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қиласи, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қиласи, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳукуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, карши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳукуқига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиқкан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва корхонанинг юқори турувчи ташкилоти мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ваколатли орган вакилини корхонанинг харид комиссияси таркибиغا киритишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун корхона раҳбарияти масъулдир.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

### **Харид комиссиясининг вазифалари ва функциялари:**

- харид қилиш хужжатларини келишади;
- таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
- таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
- таклифларни баҳолаш мезонларини ва усусларини белгилайди;

- зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;
- харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;
- дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;
- зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;
- зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;
- харид қилиш тартиб-таомилларини Қонунга мувофиқ амалга оширади;
- харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

**Корхонанинг комплаенс хизмати томонидан бериладиган хulosса (чеклист)га асосан ҳар бир шартномани расмийлаштиришга ва тўлов амалага оширилишига рухсат берилади, хulosса (чеклист) берилмаган тақдирда шартномани расмийлаштириш ҳамда шартнома бўйича тўловни амалга оширишга рухсат этилмайди.**

Харид комиссияси давлат харидлари ижроини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар корхона ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

Харид комиссияси баҳолаш гуруҳи - таклифларнинг техник қисмини кўриб чиқиши ва техник хulosаларни расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича тузилади.

Тегишли йўналишлар бўйича баҳолаш гуруҳлар аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолаш гуруҳ аъзолари ўзgartирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарорига асосланаб давлат

харидларини амалга ошириш мақсадида доимий коллегиал орган сифатида “Навоийуран” давлат корхонаси харид комиссиясининг вазифаси холис баҳолаш ва иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлигига қараб тартибга солиш, шунингдек, ғолибни танлашдан иборат.

Харид комиссияси аъзоларини харид тартиб таомили ғолибни танлашда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси 5-қисмига мувофиқ холис бўлиши ва шахсий манфаатларига эга бўлмаслиги керак.

Харид тартиб-таомилларининг рақобат турларини ўтказишда харид комиссиянинг аъзолари тоқ сондан иборат бўлиши керак.

Харид тартиб-таомилларининг турига кўра таркиб ва сонни аниқлаш ҳамда харид предметининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда харид комиссия аъзоси тегишлилиги бўйича ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси таркибига фаолияти ихтисослиги харид предметига мос келадиган мутахассислар киритилади.

Харид комиссияси аъзоси иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, унинг хуқуқ ва мажбуриятлари “захира” сифатида тасдиқланган аъзосига юклатилади.

Харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибни ва зарур бўлганда заҳирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади (“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси 20-қисм).

### **Харид комиссияси қўйидаги хуқуқларга эга:**

- иштирокчилар таклифларини баҳолаш учун экспертларни жалб қилиш;
- иштирокчининг таклифини асосли равишда рад этиш;

Аризаларнинг кўриб чиқишида маъсул котиб иштирокчилардан уларнинг аризалари бўйича изоҳларини электрон шаклда сўраб олиш (Низомнинг 92, 150-бандлари, ВМҚ-276 20.05.2022).

### **Харид комиссиясининг жавобгарлиги:**

- харид тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши;

- Қарорлар асосли ва холис қабул қилинганлиги (Қонуннинг 20-моддаси 21-қисми) учун маъсулдирлар.

- харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Бироқ раис овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш хуқуқига эга эмас (Қонуннинг 20-моддаси 8-қисми).

- харид комиссияси қарори ҳарид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда

харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади (Қонуннинг 20-моддаси 16-банди).

- харид комиссиясининг аъзоси иштирокчилар ёки ғолиблар билан музокара олиб бора олмайди (Қонуннинг 40-моддаси).

### **Харид комиссияси таркибида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш:**

- харид комиссиясининг аъзоси, агар у шартномани тузиш ва бажаришдан шахсан манфаатдор бўлса, буюртмачини хабардор қилиши шартлиги;

- харид комиссияси аъзосида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси ўзини ўзи рад этиши керак. Бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади. Харид комиссияси аъзоси мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмайди (20-модда 17-қисм).

- агар харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган харид комиссияси аъзоси ўзини ўзи рад этмаган бўлса, уни овоз беришига йўл қўйилмайди (20-модда 18-қисм).

- агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги маълум бўлиб қолган бўлса, унинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади (20-модда 19-қисм).

### **Харид комиссияси ишига раҳбарлик қилишда:**

Комиссия раиси харид комиссияси ишига раҳбарлик қиласи. Комиссия раисининг ўринбосари комиссия аъзоси функцияларини, раис йўқлигига эса унинг функцияларини бажаради (ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси 6-қисми).

Харид комиссия аъзолари узурли сабабларга кўра келмаган бўлса, ишончнома асосида уларнинг ваколатларини комиссиянинг бошқа аъзолари бажаради;

Харид жараёнида иштирок этмаган харид комиссиясининг аъзоси бу ҳақида харид комиссиясининг маъсул ходимини хабардор қилиш керак бўлади.

### **Раис вазифалари:**

- комиссия чақириш;
- комиссия мажлисларини олиб бориш;
- овоз бериш ва қабул қилинган қарорларни эълон қилиш;
- харид комиссияси мажлислари баённомаларини имзолаш.

- агарда раис бўлмаса, унинг вазифаларини ўринбосар бажаради.
- комиссиянинг маъсул котиби харид комиссиясининг тезкор фаолиятини ташкил этади.

Котибнинг овоз бериш ҳукуқи йўқ (қонуннинг 20-моддаси 8-қисми).

### **Маъсул котибнинг вазифалари:**

- харид комиссияси мажлисини ташкил қилади, ўтказади ва техник жихатдан таъминлайди шунингдек унинг баённомасини юритилиши, келишилиши ва имзоланишини таъминлайди;
- кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни харид комиссияси аъзоларига юборади;
- танлов ва тендер таклифлари бўйича иштирокчилардан электрон шаклда тушуниришлар сўраб олиш (ВМҚ-276-сон қарор Низомнинг 92, 140-бандлари, 20.05.2022);
- харид ҳужжатларини талабларга мувофиқлигини текшириш ва текшириш натижаларини харид комиссияси кўриб чиқиши учун киритиш;
- харид ҳужжатлари меъzonлари бўйича ДХЕТга иштирокчилар таклифларини баҳолаш натижаларини киритиш (Низомнинг 60, 109-бандлари);
- комиссия аъзоларини мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳамда кун тартиби тўғрисида хабардор қиласи.

### **Комиссия аъзоси функцияларини бажаришдан ташқари раис қуйидаги ҳукуқ ва мажбуриятларга эга:**

- харид комиссияси ишига раҳбарлик қилиш;
- мажлис ўтказиладиган санани белгилаш ва уни ваколатли деб эълон қилиш;
- Кворум бўлмаса, мажлисни бошқа санага кўчиритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- мажлисни очиб бериш ва олиб бориш;
- таклифлар очувчи комиссия аъзосини тайинлаш;
- таклифларни очишда еълон қилинадиган маълумотларни ошкор қилиш;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ва мухокама қилиш тартибини белгилаш;
- экспертларни жалб этиш масаласини комиссия мухокамасига киритиш;
- овоз беришни еълон қилиш ва натижаларини маълум қилиш.

Харид комиссия аъзолари ва давлат харидлари иштирокчилари “Навоийурган” давлат корхонасининг 2022 йил 15 февралдаги “Навоийурган” давлат корхонасининг харид комиссияси ва давлат харидлари иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 53-сон **буйруғига** қатъий риоя этилиши талаб қилинади.

**Харид комиссияси малакавий танловни баҳолаш тартиби ва мезонлар  
НАЪМУНА**

T/р	Мезон	Максимал балл	Изоҳ	Баҳолаш усули
1	Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун тўлдирилган ариза	100 балл	Харид хужжатлари шакли асосида	Намуна шакли бўйича тўлиқ маълумот тақдим этилди – 100 балл; Намуна шакли бўйича қисман маълумот тақдим этилди – 50 балл; Намуна шакли бўйича тақдим этилмаган маълумотлар ёки сўровга мос келмайдиган бошка маълумотлар – 0 балл. <i>(агарда иштирокчи қўйидаги маълумот ва хужжатларни тақдим этмаса, иштирокчи четлатилади)</i>
2	Танлов иштирокчиларининг коррупцияни олдини олиш бўйича аризаси	100 балл	Харид хужжатлари шакли асосида	Намуна шакли бўйича тўлиқ маълумот тақдим этилди – 100 балл; Намуна шакли бўйича қисман маълумот тақдим этилди – 50 балл; Намуна шакли бўйича тақдим этилмаган маълумотлар ёки сўровга мос келмайдиган бошка маълумотлар – 0 балл <i>(агарда иштирокчи қўйидаги маълумот ва хужжатларни тақдим этмаса, иштирокчи четлатилади)</i>

Умумий балл: 200 балл

Энг яхши таклиф/тендер харидларларидан ўтиш учун энг паст балл: 100 балл

Иштирокчиларнинг мезонлари тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлигига қараб 50-100 баллик тизимда баҳоланади.

Харид комиссияси хар қандай мезон бўйича номувофиқлиқ ёки хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган иштирокчининг таклифини рад этиш хуқуқига эга.

**Эслатма:**

**Энг яхши таклифни танлаш/тендер таклифларини баҳолаши мезонлари давлат харидларининг предметига боғлиқ.**

**Энг яхши таклифни танлаш/тендер иштирокчиларининг таклифлари буюртмачининг харид хужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши керак.**

**Комиссия аъзолари иштирокчиларнинг таклифларини фақат баҳолаши мезонлари бўйича ва харид хужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқади.**